

Шаъбон ойи — ибодат ойи



11:00 / 15.03.2021 2598

Азиз мўмин муслмонлар, барчангизни муборак Шаъбон ойи — ибодат ойи билан табриклаймиз!

Исломда фазилатли ойлардан бири бу — Шаъбондир.

Олимлардан бири шундай деган: «Ражаб ойи баданни, Шаъбон ойи қалбни, Рамазон ойи эса руҳни тозалайди. Агар Ражаб ойида бадан, Шаъбон ойида қалб тозаланмаса, Рамазон ойида руҳ қандай тозаланади?»

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ойнинг кўпроғини рўза тутиш билан ўтказардилар.

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: **«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Рамазон ойдан бошқа ойда тўла рўза тутганларини кўрмаганман. Бошқа ойларда Шаъбондан кўра кўпроқ рўза тутганларини кўрмаганман».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳо айтадилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дедим: «Эй Аллоҳнинг Расули, бошқа бирор ойда Шаъбончалик кўп рўза тутганингизни кўрмаганман?».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Одамлар Ражаб ва Рамазон ойлари орасидаги ушбу ой — Шаъбондан ғофил бўлиб қоладилар. Бу шундай ойдирки, унда бандаларнинг амаллари оламлар Парвардигори ҳузурига олиб чиқилади. Мени ҳам амалларим Аллоҳнинг ҳузурига олиб чиқилганда рўзадор бўлишни яхши кўраман».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Хузайма ривояти.

Шаъбон — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ойлари ҳисобланади.

Ушбу ой ҳақида Аллоҳнинг Расули: «Шаъбон оyi менинг ойимдир», деганлар.

Умму Салама розияллоҳу анҳо:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Шаъбон ва Рамазондан бошқада икки ой кетма-кет рўза тутганларини кўрмадим», дедилар».

Термизий яхши санад билан ривоят қилган.

Шаъбон ва Рамазон ойлари кетма-кет келиши маълум, Пайғамбаримиз алайҳиссалом шу икки ойнинг рўзасини тутган эканлар. Бундан ҳам Шаъбон оyi рўзасининг фазилатли эканлигини билиб оламиз.

Шаъбон ойида ибодат қилган, рўза тутган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтган, умуман ушбу ойнинг барча амалларини бажарган бандаларга улуғ мукофотлар ваъда қилинган. Бу ҳақда ҳадиси қуддисийда Аллоҳ таоло ишорат қилиб: «Қаранг, кўринг, менинг қулларим Расулимнинг оyi бўлмиш Шаъбон ойига қандай ҳурмат ва эътибор кўрсатяптилар. Жалолим ҳаққи, мен ҳам уларни авф этдим».

Роббимиз барчамизга Шаъбон ойини муносиб ўтказишимизга ёрдам берсин ва Рамазонга ҳам чиройли, гуноҳлардан пок ҳолатда етказсин!

Манба:

«Ҳадис ва Ҳаёт» китоби.

«Ҳижрий 1442» тақвим.

Хуршид Маъруф тайёрлади